




2006 йил 31 августдан
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

Зиёли минбари

ИЛЛАТНИ ЎЗИМИЗДАН ИЗЛАЙЛИК



Ўтган асрнинг 90-йилларида жон талвасасида бўлган мустабид тузум ич-ичидан емирилиб, унинг исканжасида бўлган, кишанланган республикалар бирин-кетин ўз мустақиллигини эълон қила бошлади. Улар қаторида ўзбек миллати ҳам бир ярим асрлик истибдод занжирларидан озод бўлди. Тўғри, қахатчилик, қимматчилик даврларини бошимиздан кечирдик, ҳаммасига чидаб, сабр қилиб, фаровонлик кунларига етиб келдик.

Лекин ўша пайтларда “коммунизм ўтиб кетибди, билмай қолибмиз”, “гугурт бир тийин, туз текин эди” деган гаплар тез-тез кулоғимизга чалиниб турарди. Мана, орадан 33 йил ўтибдики, баъзи бир ёши улуг инсонлар орасида ҳали ҳам ўтмишни қўмасш, миллат эрларини қатағон қилган, аёлларини чўрига айлантирган му-

стабид даврга қайтиш орзусида бўлган ҳолатлар учраб тураётгани ачинарлидир. Ўз умрини яшаб бўлган тузумни соғиниб-қўмсаб гапираётганларнинг айримлари ўша даврнинг сиёсат ва давлат арбоблари эканини ҳам инкор қилиб бўлмайди.

Улар ўз даъволарини бепул тиббий хизмат, бепул таълим, арзончилик, тўкин-сочинлик ва хоказолар билан асослашга ҳаракат қилишади. Бу борада сўровнома ва тадқиқот олиб борган мутахассислар айни дамда ўзбекистонликлар орасида шўро тузумини қўмсовчилар сони кўплигига эътибор қаратмоқда.

Ҳозирга қадар собиқ мустабид тузумни тиклаш умидидан воз кечмаган кучларнинг сақланиб қолаётгани илгари унинг таркибида бўлган мамлакатлар мустақиллигига реал хавф туғдириши баробарида совет тузumi сарқитларини унутолмаётган кишиларнинг бундай қўмсашлари ёшлар онгини ҳам захарлайди.

(Давоми 3-саҳифада)

Нуқтаи назар

ОЧИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИК

Таълим тизимида коррупцияга қарши курашишда асосий омил



Президентимиз раислигида 5 февраль куни ижтимоий соҳалардаги устувор вазифалар муҳокамаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида таълим тизими ривожини янги босқичга кўтариш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланди. Мутасаддиларга соҳада стандартларни янгилаш, рақамлаштиришни кенгайтириш, очиқлик ва шаффофликни ошириш, қонун бузилиши, коррупция ҳолатларини бартараф этиш борасида аниқ вазифалар берилди.

Ҳақиқатан ҳам, бугун бутун дунёда коррупцияга қарши кураш энг долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Шахсий манфаат, тама бўлган жойда нафсни тиёлмаслик, хизмат ваколати доирасидаги суиистеъмолликлар учун жазо муқаррарлигига қарамасдан, бундай иллатларнинг илдизини қуритиш қийин кечмоқда.

Коррупцияни бартараф этишга фақат ҳуқуқий чоралар билан эришиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи ҳам кўрсатиб турибди. Шунинг учун мамлакатимизда бу борада қатор дастурлар қабул қилиниб, кенг қамровли ишлар олиб бориляпти. Бундай маънавий бузилиш ҳолатларига қарши курашга нафақат давлат органлари, балки жамият, умуман, барча фуқаро жалб этилмоқда. Бинобарин, давлат ва жамият, нодавлат нотижорат ташкилотлари, жамоатчилик биргаликда ҳаракат қилмас экан, коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашда самарали натижаларга эришиш мушкул.

Жамиятни тозаловчи куч

Коррупция ҳолатлари юз бериши эҳтимоли юқори бўлган соҳалардан бири олий таълим тизимидир. Тан олиш керак, бир вақтлар мазкур тизимда бу иллат кўзга яққол ташланиб турарди. Абитуриентларни ўқишга қабул қилиш, талабаларга баҳо қўйиш, ўқитувчиларни ишга олиш, илмий даражаларга эришишда таниш-билишчилик, олди-берди, умуман айтганда, қонунбузилиш ҳолатлари кўп кузатилган.

Ана шу жиҳатлардан келиб чиқиб, кейинги йилларда соҳани бутунлай ўзгартиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Коррупцияга қарши курашиш бўйича қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар доирасида бугунги кунда тизимда қатор ишлар олиб бориляпти. Масалан, “Коррупциясиз соҳа” лойиҳасини амалга ошириш белгиланган бўлиб, БМТнинг Тараққиёт дастури кўмагида халқаро аудиторлик компанияси “KPMG” (Италия) экспертлари томонидан 2020 йилнинг 11 майидан эътиборан “комплаенс-назорат” тизимини Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлигининг марказий аппаратида ҳамда Тошкент давлат иқтисодиёт университетида тажриба тариқасида жорий этиш ишлари бошланди.

Халқаро экспертлар томонидан олий таълим тизимида коррупцияга қарши курашиш бўйича қатор чора-тадбирлар белгиланди.

лати мавжуд бўлиши эҳтимоли бор бўлган 7 та турдаги йўналиш (коррупциявий рисклар кузатилаётгани) белгилаб берилди.

Олий ўқув юртларида талабалар учун коррупция ҳолатлари билан тўқнашганлик бўйича хабар қилиш имкониятини берувчи “Telegram” канали фаолияти йўлга қўйилди. Ўқув жараёнлари, имтиҳонлар ва қабул вақтларида АКТ имкониятлари кенг жорий этилмоқда. Коррупция илллати ва унинг оқибатларидан аҳоли, айниқса, профессор-ўқитувчилар, талабаларнинг кенг қатламларини хабардор қилиш мақсадида ҳуқуқий тарғибот материаллари, маъруза матнлари, слайдлар, инфографикалар мунтазам равишда тақдим этиб келинмоқда.

(Давоми 2-саҳифада)





(Боши 1-саҳифада)

Самарадорлик қайси омилларга боғлиқ?

Шунга карамай, “Ўқишга кириб қўяман, тестни ҳал қилиб бераман”, деган, шу орқали мўмай пул ишлаб олиш илнжидаги фирибгарлар ҳали-ҳануз учраб турибди. Афсуски, фарзандининг қобилияти, билими ва салоҳиятига иккинчи даражали масала сифатида қарайдиган, барча ишни пул билан ҳал қилишга ўрганиб қолган ота-оналар ҳам йўқ эмас орамизда.

Бу ҳол тизимда узок йиллар давомида йўл қўйилган қонун бузилиши ҳолатларининг натижаси, десак, хато эмас. Бироқ соҳадаги ислохотлар сабабли кейинги йилларда вазият тубдан ўзгарди, кимнинг билими, қобилияти бўлса, ўша одам ўқийди, деган тамойилга амал қилина бошланди. Мамлакатимиз олий таълим даргоҳларига қабул учун квоталар ўтган йиллар мобайнида бир неча барабар кўпайди. Барча жараён нафақат давлат органлари, балки кенг жамоатчилик назорати остида шаффоф тарзда ўтадиган бўлди.

Ҳозирги кунда ҳужжат қабул қилишдан бошлаб, тест имтиҳонларини ўтказиш жараёнигача абитуриентлар учун барча шароит ва имконият яратилмоқда. Асосийси, ҳаққонийлик ва очиқлик тамойилига амал қилинаётир. Лекин очиқ айтиш лозимки, коррупцияга қарши кураш тобора қатъийлашиб борса-да, ажриқ каби унинг илдишлари ҳали-ҳануз чиримаган. Астойдил таълим олиб, не-не орзулар билан ўқишга топширган ёшлар манфаатини ҳаглаб ўтиб, ҳаром лўкма билан кун кечиришни ўзига одат қилган айрим нопок инсонлар ҳозир ҳам учраб тургани жамиятимиздаги соғлом муҳитга салбий таъсир қилаётганини барчамиз кўриб, сезиб турибмиз.

Бундай ҳолат нафақат олий таълим даргоҳларида, балки лицей ва коллежларда, ҳатто умумтаълим мактабларида ҳам кўзга ташланаётгани ачинарли ҳол, албатта.

Таълимдаги коррупцияни йўқотиш учун одамлар онги, ўқувчилар, ота-оналар, ўқитувчи-педагоглар ва

ОЧИҚЛИК ВА ШАФФОФЛИК

таълим тизимида коррупцияга қарши курашишда асосий омил

мактаб маъмуриятининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, улардаги эскича қарашлар, қотиб қолган стереотипларни йўқотиш биринчи галдаги вазифадир. Чунки порахўрликка мойиллик бор экан, иллат яширин равишда содир этилаверади.

Пора берган ҳам, олган ҳам жавобгар

Аввало, кичик ёшдан коррупция, унинг зарарлари, оқибатлари ҳақидаги илк дунёқараш шакллантирилиши, болаларда поранинг энг оддий шакллари ҳақида тасаввур ҳосил қилиниши зарур. Бу каби жиноятларга тоқатсизлик муҳитининг шаклланишида хабардорлик қанчалик муҳим бўлса, жазо ва жавобгарликнинг муқаррар экани ҳам шунчалик долзарб. Кимдир истаганича пора олсаю, ҳеч ким унинг мушугини “пишт” демаса, жазога тортилмаса, болалар, одамлар онгида: “Адолат йўқ, унга қарши курашиш бефойда”, деган нотўғри фикр пайдо бўлади. Ваҳоланки, уларда ҳар қандай жиноятнинг жазоси бор, порахўр ҳам, пора берувчи ҳам қонун доирасида жавобгарликка тортилади, деган қатъий ишонч шакллантирилиши зарур.

Аммо аллақачон кўзимизу кўлимиз “ўрганиб” қолган порахўрликдан бирдан қутулишнинг иложи йўқ. Бунинг учун содда ва таъсирчан чора-тадбирлар ишлаб чиқиш ҳамда уни изчиллик билан йўлга қўйиш лозим. Масалан, мактабга қабул жараёнини олайлик. Ота-она боласи яхши ўқиши, муносиб таълим-тарбия олиши учун фарзандини обрўли мактабга, номдор ўқитувчига топширишни истайди. Бунинг учун бор имкониятини ишга солади, таниш-билишларидан фойдаланади, пул ва хизматини таклиф қилади. Аслида муаммони ҳал этиш учун одамлар нима сабабдан шу мактаб ва педагогга интилаётгани тўлиқ ўрганилиши, улар ҳақида очиқ маълумот тўпланиб, вазият назоратга олиниши ҳамда ўша синф

ёки мактабга қабул танлов асосида ташкил қилиниши зарур. Марҳамат, болангиз шу синф ёки мактабда ўқишини хоҳласангиз, барча қатори танловда қатнашин, интеллектуал салоҳияти текширилиб, психологик-педагогик кўриқдан ўтказилсин.

Айни пайтда бу тажриба тизимда қисман қўлланоқда. Асосан, муайян фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаблар ўқувчиларни танлов асосида қабул қилади. Бу қонданинг

низми, амалга оширишдаги ҳалқалар — шахслар, усул ва воситалар ҳақидаги маълумотлар тўпланади. Шундан сўнг, коррупционерга эмас, балки коррупцияни келтириб чиқараётган сабабларга қарши комплекс кураш чора-тадбирлари ишлаб чиқилади. Бунда коррупционер, унга воситачилик қилаётганлар қаттиқ огоҳлантирилиши, мансабдор шахслар, яқин қариндошларининг даромадлари, мол-мулклари, сарф-харажатлари ўрганилиб, ноқонуний йўл билан

ўрнатилиши мактаблар ўртасида рақобатни кучайтириб, барча таълим муассасаси ва синфларда ўқитиш сифати ошишига олиб келиши, шубҳасиз.

Қуйи бўғинларда аҳвол қандай?

Ўқитувчиларни ҳар томонлама рағбатлантириш учун уларга имтиёзли шартларда уй-жой ва автомобил хариди учун кредитлар бериш жорий қилинмоқда. Табиийки, бундай имтиёзга ҳамма ўқитувчи эмас, энг муносиб, фидойи, ўз ишининг устаси бўлган илғор педагоглар лойиқ кўрилади.

Лекин энг қуйи бўғинларда улар холис саралаб олинадими, имтиёзлар адолатли тақсимланадими? Бу ўринда ҳам коррупцияга йўл қўйилиб, рўйхатлар тор доирада — айрим шахслар манфаатлари доирасида тузилмайдими?

Мисол учун, мактабда ўқитувчилар рейтингини ўқувчиларнинг ўзлаштирилиши, турли танлов ва мусобақаларда ўзи ва шогирдлари эришган натижалар, фаолиятида янги таълим технологияларидан фойдаланиши каби анъанавий мезонлардан ташқари, ота-оналар ҳамда ўқувчилар, педагогик жамоа, жамоатчилик тузилмаларининг у ҳақдаги фикри ва фаолиятига қўйилган баҳолари, собиқ ўқувчиларига таълимнинг кейинги босқичларида ёки иш жойидан берилаётган ҳулосалар (ўзлаштирилиши, натижалари, тавсифномалар) ҳам ҳисобга олиниши жоиз. Ўқитувчининг обрўсига путур етказиши мумкин бўлган хатти-ҳаракатлари рейтинг натижаларига салбий таъсир кўрсатиши лозим. Токи у ҳар бир ножоиз ҳаракати келгусида имтиёзларга эга бўлишда тўсқинлик қилишини англаб турсин.

Порахўрликка қарши комплекс чора-тадбирлар

Яккама-якка суҳбатларда коррупциянинг шакли, ишлаш меха-

топилган даромадлар аниқланган тақдирда, тегишли тартибда жавобгарликка тортилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Бу усул коррупцияга хизмат қилаётган омилларни тизимли бартараф этиш, қайси ўринларда коррупцияга кўпроқ йўл қўйилаётганини, бунинг сабабларини аниқлаш имконини беради.

Болалиқдан коррупцияга қарши нафрат қайфиятини уйғотиш учун мактабларда антикоррупцион мазмундаги дарслар ташкил этилиши керак. Дарсда коррупция нима, унинг қандай зарарлари борлиги болаларга содда тилда тушунтирилиши, ўқувчилар билан коррупция ҳақида суҳбатлар ўтказилиши, турли ўйинлар ўйналиши мумкин. Коррупцион ҳолатларга аниқ мисоллар келтирилиб, унинг оқибатлари, қарши курашиш усуллари, бунда ўқувчининг шахсий иштироки қандай бўлиши айтилади. Масалан, муайян тиббий маълумотномани олишда кўриқдан ўтмай туриб, пора эвазига ишни битириш ҳолати ҳаммага таниш. Аммо шундай йўл билан тиббий маълумотнома олган, сил касаллигига чалинган шахс мактаб ошхонасида ишласа нима бўлади? Оқибатда қанча одам касалланади, улар орасида сиз ҳам бўлишингиз мумкин, дейилади.

Қачонки оддий давлат хизматчисидан тортиб энг юқори лавозимда ишлайдиган масъул мулозимнинг фаолиятида очиқлик ва шаффофлик таъминланса, ҳуқуқий маданият юксалса, адолат ва ҳақиқат учун кураш одамларнинг қон-қонига сингиб, бу тушунчалар жамиятда кадрят даражасига кўтарилса, коррупция барҳам топади.

Талантбек МАДУМАРОВ,
Андижон давлат университетининг ижтимоий-иқтисодиёт факультети декани,
юридик фанлар доктори,
профессор.

(Боши 1-саҳифада)

Ўтган аср бошларида Туркистонда зўрлик билан ўрнатилган мустамлакачилик тузуми халқимиз бошига давомли қирғинлар, даҳшатли ва аламли кулфатлар олиб келди. Бу даҳшатли режимга қарши чикқанлар, эрк ва миллий озодлик учун жон тиккан миллатнинг онгли қатлами шафқатсиз қатли ом қилинди. Ўша даврда бой-бадавлат кишилардан тортиб қарамоғида ҳатто биттагина сигир-бузоғи бўлган 2 миллион нафарга яқин инсонлар мол-мулкидан мосуво қилиниб, Украинага, Қозоғистонга, олис Сибирь ўрмонларига, Урал, Узок Шарқ, Кавказ, Волгабўйи томонларга бадарга қилинди.

Мустамлака давлат ерли аҳолини ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилишдан, илмдан йироқ тутишга ҳаракат қилди, илмиларни турли баҳоналар билан жисмонан йўқлади. Улар ўрнига ўзига сўзсиз итоат қиладиган, ўз қавмини ҳеч иккиланмай сотишга тайёр бўлган ялоқхўрларни раҳбар қилиб қўйди. Ҳар томондан солинган сиртмоқлар, миллатни ғорат қилган кишанларни парчалаш жуда мушкул, ҳатто иложсиз бўлиб қолди.

Азалдан оммавий жазолаш, қийноққа солиш чоралари мустабид давлатларнинг халқни асоратда, тутқунликда ушлаб туриш, кўрkitиш, босим, тайқиқ ўтказиш қуроли бўлиб келган. Чор ҳукумати, большевиклар империяситомонидан Туркистонда кенг қўламли мудҳиш қатағон сиёсати қўллаб келинди. Жадидчиликни, Туркистон мухториятини, «босмачилик» деб аталмиш миллий ҳаракатни бостиришда, ер-сув ислохотини ўтказиш, коллективлаштириш даврида миллат қаддини букиб, ерпарчин қилди.

1937 йилларда авж олган қатта террор кампаниясида минглаб айбсиз зиёлилар қатағон қурбони бўлди, камоқларга ташланди. Уруш даврида, урушдан кейин, XX аср охирларигача миллатимизнинг турли қатламлари ҳар хил баҳоналар билан шафқатсиз қирғин қилинди. Пантуркизм ниқоби остида миллийликнинг ҳар қандай кўринишларига, миллат эрларига қарши шафқатсиз кураш олиб борилди.

Фикрловчи, ақлли-хушли инсонлар қирғин-қатағонлар туфайли кўрқув, ваҳима ҳиссидан юрагини олдириб қўйди, бу уларнинг онгига, қон-қонига сингиб кетди. Шўро тузуми бундан фойдаланиб, маккор усуллар орқали аҳолини бир-бирига қарши қайради, улар орасига адоват ва низо уруғини сочи. Натижада жамиятда сотқинлик ва олчоқлик авж олди.

Ёшлар тарихнинг бу қонли ва изтиробли саҳифаларини тасаввур қилолмаслиги табиий. Ўтмишнинг қора кунлари унут бўлгани йўқ, беғуноҳ отилганлар, қаҳратон Сибирь ўрмонларида жасадлари қолиб кетган аждодлар руҳи бизни бундай

мудҳиш замонларга қайтмаслик учун ҳамиша хушёр ва огоҳ бўлишга чорлайди.

Мустабид тузумнинг маъмурий-буйруқбозлик замонидан озод жамият, эркин иқтисод, демократик тузум қуришга ўтганимизга 33 йил бўлди. Бироқ онгимиз, тафаккуримиздаги ўзгариш жарёнлари жуда секинлик билан кечаяпти. Шунинг учун давлатимиз раҳбари “Ўзбекистон – 2030” тараққиёт стратегиясида жамиятни ривожлантириш учун аввало таълим-тарбияни мукамал-

ИЛЛАТНИ ЎЗИМИЗДАН ИЗЛАЙЛИК

лаштириш, замоннинг илғор талабларига жавоб берадиган, маънавийтимизга кишан бўлиб турган эски асоратлардан холи бўлган ғайратли, шижоатли, мард, инсофли-диёнатли ёшларимизнинг ҳал қилувчи вази-фаларга келиши учун кенг йўл очиб бериш масаласини илгари сурди.

Шу билан бирга аҳоли кенг қатламларининг сиёсий, ижтимоий савиясини ўстириш, шу орқали, керак бўлса, ҳар бир фуқаро, ҳар бир инсон ўз ҳақ-ҳуқуқини яхши билиши, худо берган неъмат – Ватан мустақиллиги ҳимоячиси, миллат фидойиси бўлиши керак. Кенг қўламдаги тарғибот-ташвиқот ишлари орқали аҳолини ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий билимларини доимий равишда ошириб бориш уни ҳаётий эҳтиёжга айлантиради. Ана шу ҳаётий эҳтиёж жамиятдаги ислохотларнинг тезроқ амалга ошишига, янгиланишларга йўл очади.

Чор Россияси Туркистонни босиб олганидан буён давом этиб келаётган руслаштириш сиёсати тилимизни абгор қилишга, миллатни пароканда қилишга қаратилди. Илгари бу сиёсат очикдан-очик, кучли босим остида амалга оширилган бўлса, эндиликда маданийлашган тарзда, турли кўринишларда изчил олиб бориляпти.

Илгаридан белгиланган режа асосида Иккинчи жаҳон уруши даврида ва урушдан кейин бутун бошли этник гуруҳлар – қрим-татарлари, месхети турклар, понтлик греклар, Волгабўйи немислари ва Узок Шарқ корейслари Ўзбекистонга депортация қилинди. Тошкентда 1966 йилда бўлган зилзилада “шаҳарни тиклашга кўмаклашиш” баҳонасида собиқ шўро республикаларидан бир неча ўн минглаб одам кўчириб олиб келинди ва шу ерда ўтрок бў-

либ яшаб қолди.

Илгари кимнинг турмуш ўртоғи рус, татар ёки бошқа миллатга мансуб бўлса, ўша одам мансаб пиллапояларидан кўтарилиб бораверарди. Шунинг учун туб аҳолини руслаштиришга қаратилган сиёсат ўларок, кўпчилик ўзбек оилалари фарзандларини русча мактабга берадиган бўлди.

Ўзбек халқини ўз маданий меросидан айириш мақсадида араб алифбоси аввал лотин ёзувига, ўн йилдан кейин русларнинг кирилл



алифбосига алмаштирилди. Гарчи мустақиллик шарофати ва олимларимиз таклифи билан ёзувимиз лотин алифбосига алмаштирилган бўлсада, ханузгача ҳарфлар танланиши қиёмига етказилгани йўқ, ўзимиз ҳам бу фожиага кўз юмаяпмиз, мутасадди мулозимлар миллат тақдирига бефарқларча муносабатда бўлаяпти. Оқибатда ўтган чорак аср мобайнида фарзандларимиз саводсизлик домида қолди.

Ўтмишга назар соладиган бўлсак, бир неча минг йилликлар давомида истибдод домида қолган, босимга учраган халқлар, миллатлар тарих саҳнасида йўқолиб кетган. Ахборот хуружлари авж олган, дунёни қайта тақсимлаш ҳаракатлари тўхтамаётган бир даврда керакли билим ва малакага эга бўлмаган ёшлар онгини ижтимоий тармоқлар орқали захарлаш, тўпориллаштириш орқали миллатни ғорат қилиш сиёсати авж олмоқда. Агар аҳолимизнинг қарийб 60 фоизидан ортигини ёшлар ташкил этишини ва улар асосан ўзлари тушунадиган рус тилидаги ахборотларга мурожаат қилишларини инobatга оладиган бўлсак, бу ғаразли мақсад ортида қандай ният борлиги аён бўлади. Чунки бугун янги жаҳон тартиботи шаклланаётган бир даврда ёшларни турли маънавий, маданий, мафкуравий таҳдидлардан ҳимоя қилиш айтиш мумкинки, мамлакат тақдирини белгилайди.

Мустақилликка эришганимиздан кейинги ўтган чорак аср давомида тинимсиз тилга олиनावериб, сийқаси чиқиб кетган “баркамол авлод”, “миллий ғоя”, “юксак маънавият” сафсаталари халқимиз ва ёшларнинг жуда жонига тегди. Жамият ҳаётига дахлдорлик туйғуларининг топталиши, унинг ўрнига лоқайдлик, коррупция, таъмагир-

лик, порахўрлик, боқимандалик каби иллатларга кенг йўл очиб берилиши оддий халқ ва давлат ўртасидаги муносабатларда тубсиз тафовутни юзага келтирди. Тилда адолат, меҳр-оқибат, маънавият ҳақида лоф урилиб, амалда ҳеч нарса қилинмади. Натижада давлат ва халқ ўртасидаги ўзаро мутаносиблик йўқолди.

Халқимиз минг йиллик диний ва миллий кадриятлар асосида тарбия

топган ва рост билан ёлғон, ҳаром билан ҳалол, андиша билан итоаткорлик фарқини яхши тушунади. Лекин баъзан андишани ҳаддан ташқари меъеридан ошириб юборгани, ўта итоаткорлиги туфайли алданади, камситилади ва хўрланади. Меъёр бўлмаган жойда тарози посангиси бузилади. Посанги бузилган жойда эса, ҳақиқат барҳам топади.

Бундай кўринишлар жамият учун энг хатарли бўлган лоқайдлик ва сотқинликни келтириб чиқаради ва холислик ўрнини таъма, тўғри сўзнинг ўрнини ёлғон эгаллайди, шахсий манфаат ва тобеълик биринчи ўринга чиқади. Холислик, адолат ва ростгўйлик йўқолган жамиятда коррупция ва порахўрлик авж олади, миллат пароканда бўлади. Жамият ривожланишдан тўхтади.

Бугунги кунда дунёни қайта тақсимлашга қаратилган ўйинлар, зўравон давлатларнинг ғоявий ва ҳарбий урушлари, маънавий зиддиятлар авж олган бир паллада ёшлар онгига синдирилаётган ахлоқсизлик ва маънавий инқирозлар ҳар қачонгидан ҳам хатарли тус олмоқда. Биз бундай шароитда ҳамиша хушёр ва огоҳ бўлишимиз, дўст ким, душман кимлигини яхши ажрата билишимиз шарт ва зарур.

Ўз танлаган йўлидан оғишмай бораётган Ўзбекистонда бугун мустақиллигимизни мустаҳкамлаш борасида кенг ислохотлар давом этмоқда. Бу ислохотларда ҳар биримизнинг иштирок этишимиз муқаддас бурчимиз бўлиши, ҳар бир қилган ишимизда мамлакат манфаати, озод Ватан келажагига дахлдорлик ҳисси мужассам бўлиши кераклигини даврнинг ўзи тақозо қилмоқда.

Нуруллоҳ ОСТОНОВ
журналист.

ИНСОН МАНФААТЛАРИ ВА ИЖТИМОЙ ҲИМОЯСИ — БОШ ВАЗИФА



Мамлакатимизда ҳар жабҳада кузатилаётган глобал ўзгаришлар, ижтимоий-иқтисодий соҳалардаги ислохотлар амалга оширилаётган бир вақтда Олмалиқ кон металлургия комбинати акциядорлик жамияти раҳбарияти ва касаба уюшмаси томонидан тасдиқланган жамоа шартномасида белгилаб берилган барча мажбуриятлар ҳар йили мунтазам равишда бажариб келинмоқда.



Жумладан, ҳисобот даврида касаба уюшмаси маблағлари ҳисобидан бир қатор ижтимоий акциялар ташкил этилди. “Касаба уюшмаси — фахрийларга!” ижтимоий акцияси доирасида Наврӯз байрами ҳамда Рамазон ҳайити муносабати билан жамоа шартномаси доирасида 367 нафар ижтимоий ёрдамга муҳтож, ногирон, комбинат пенсионерлари, боқувчисини йўқотган оилаларга озиқ-овқат жамланмалари етказилди. Шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси байналминалчилар бирлашмаси Олмалиқ шаҳар бўлинмаси ҳамда Олмалиқ шаҳар “Ўзбекистон Чернobilчилари” ассоциациясига мазкур мақсадлар учун тегишли миқдорда маблағлар ажратилди. Комбинат тасарруфидаги “Нуроний” пенсионерлар уйида ҳар ойда 200 нафар пенсионерлар учун бепул тушлик ва маданий-маърифий, спорт тадбирлари ташкил этилди. Тадбирларда ғолибликни

қўлга киритган фаол пенсионерларга эсдалик совғалари топширилди.

Айтиш жоизки, мамлакатимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини оширишга, хотин-қизлар ва эркеклар ўртасидаги гендер тенгликни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу борада “Олмалиқ КМК” АЖ ходимлари касаба уюшмаси кенгаши гендер тенглигини таъминлаш масалалари бўйича комиссиясининг олиб борган ишлари салмоқли бўлди. Энг аввало корхона ва ташкилотлардаги иш жойларида хотин-қизлар учун яратилган шароитлар ўрганилди. Ўрганилган жойларда корхона хотин-қизлари билан давра суҳбатлари ташкил этилиб, суҳбат давомида аёлларнинг турли мавзуга оид саволларига тўлақонли жавоб берилганлиги тадбирнинг янада таъсирчанлигини оширди.

Корхона ва ташкилот ишчиларининг мурожаатларига асосан

муаммоли аёлларни яқка тартибда суҳбатга жалб этиб, уларнинг мурожаатларидан келиб чиққан ҳолда психологик кўмак берилганлиги айтиш мумкин. Гендер тенглиги комиссияси томонидан йиллик режага асосан очик эшик кунларини ўтказиш жадвали шакллантирилган бўлиб, “Мис бойитиш фабрикаси” ва “Мис эритиш заводлари”да комиссия раислари иштирокида очик эшиклар кунини ўтказилди. Комиссия юқоридаги фабрика ва заводда фаолият юритаётган хотин-қизлар ҳаёти билан яқиндан танишдилар ва иш жойидаги шарт-шароитларни ўргандилар.

Шуниси диққатга сазоворки, комиссия томонидан жадвал асосида “Агар меҳрга ҳайкал қўйилса, у албатта аёл шаклида бўлади” мавзусида семинар-тренинглар ўтказиш йўлга қўйилди ва бундай семинарларни ўтказиш “Мис бойитиш фабрикаси” ва “Мис эритиш заводлари”дан бошланди. Семинар-тренингда иш жойларида хотин-қизлар орасидаги одоб-ахлоқ, кийиниш маданияти, миллий қадриятларимиздан ифбат, вафо, ор-номус, эр-хотин орасидаги муносабат ва вазифалар, оиладаги миллий қадриятлар, қайнона-келин муносабатлари атрофича ўрганилиб, қизиқарли савол-жавоблар ва баҳс мунозараларга бой бўлди.

Хотин-қизларнинг гендер тенглигини таъминлаш борасида олиб борилаётган ишларни ўрганиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этишга кўмаклашиш мақсадида аёлларнинг ишчанлик кайфияти ва улар учун яратилган шарт-шароитлар атрофича ўрганилди. Корхона хотин-қизларига гендер тенгликни таъминлаш масалалари ва комиссия

фаолияти ҳақида тўлиқ маълумотлар берилиб, барча корхона ва ташкилотлардаги хотин-қизларнинг маънавий барқарорлигини аниқлаш мақсадида психологик саволномалар ташкиллаштирилди. Энг асосийси, хотин-қизларнинг иш жойидаги шарт-шароитлар, хусусан ювиниш ва кийиниш хоналари, иш тақсимлаш хоналари, ошхонадаги шарт-шароитлар ҳамда касаба уюшмаси томонидан олиб борилаётган ишлар ўрганилиб, аниқланган камчилик ва муаммолар корхона раҳбарияти ҳамкорлигида бартараф этилди. Гендер тенглиги комиссиясининг режа ва жадвал асосида ўтказиши керак бўлган барча тадбирлар корхоналар кесимида давом эттирилмоқда.

Комбинат касаба уюшмаси ёшлар масалалари бўйича комиссиясининг айтиши шу кунларда олиб бораётган ишлари ҳам қизғин ва диққатга сазовор. “Олмалиқ КМК” АЖ ходимлари касаба уюшмаси аъзоларининг умумий сони 39024 нафарни ташкил қилса, улардан 30 ёшгача бўлган ёшлар сони 12007 нафарни ташкил қилади. Ёшларнинг 1351 нафари олий маълумотли бўлиб, шундан 213 нафари аёллардир.

Комиссия ўз иш фаолиятини меҳнат кодекси, касаба уюшмаси устави, жамоа шартномаси, Низом ҳамда бошқа қонунчиликда белгиланган меъёрларга асосан амалга оширади. Комиссиянинг мақсади — комбинатда фаолият олиб бораётган ёшларнинг меҳнат ва ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқлари ҳамда манфаатларини таъминлаш, уларнинг меҳнат муносабатларига оид билимларини ошириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш орқали жамият-



да муносиб ўрин эгаллашларига, касабани уюшмалари тизимига ёш, иқтидорли ва интилувчан кадрлар жалб этилишига кўмаклашишдан иборат. Комиссия фаолиятини жадаллаштириш мақсадида “Ёшлар масалалари бўйича комиссия” телеграм гуруҳи ташкил қилинди.

Янги 2024 йил учун иш режасини тузишда ҳамда 2023 йилдаги камчиликлардан тўғри хулоса чиқариш мақсадида комиссия аъзолари ва касабани уюшмаси кўмитаси раислари учун МТТУ МИСиС Олмалик

ни янада оширди.

Касабани уюшмасининг ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшларини моддий кўллаб-қувватлаш мақсадида “Олмалик КМК” АЖ ходимлари касабани уюшмасининг 2024 йил 31 январдаги раёсат қарорига асосан “Касабани уюшмаси ёшларга!” стипендияси жорий этилди. Стипендия доирасида 15 нафар Олмалик шаҳар касб-ҳунар мактабининг ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган оила фарзандлари, ногирон ва етим ўқувчилар учун жорий йил январь

озик-овқат жамланмалари тақдим этилди. Спортнинг бир неча турлари бўйича оммавий мусобақалар ташкил қилинган бўлса, ёш ходимларнинг касбий маҳоратларини ошириш мақсадида “Энг яхши технолог”, “Энг яхши ва энг ёш автобус ҳайдовчиси”, “Энг яхши ёш раҳбар”, “Энг яхши ёш механик”, “Энг яхши эритувчи”, “Энг яхши электромонтёр”, каби кўрик-танловларнинг ўтказилиши ёшларда кўтаринки кайфият уйғотди. Булардан ташқари ёш ходимларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида меҳнат жамоаларида “Заковат”, “Меҳнат муҳофазаси билимдони” сингари интеллектуал тадбирлар ташкил қилиндики, бу ҳам ёшларнинг фаоллигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтиришда, “Ёшлар ва бизнесни ривожлантириш йили”, “Касабани уюшмаларининг асосий ҳуқуқлари”, “Раҳбар ва ёшлар” мавзуларида маърифат соатлари, учрашувлар ташкил қилинди. Шунингдек, меҳнат жамоаларида ёшлар ўртасида “Мард ўғлон”, “Балли, кизлар”, “Ғазалхонлик”, “Темурбек издошлари” каби кўрик-танловлар кўтаринки руҳда ўтказилди. Ҳисобот даврида комбинат ёшларига етарлича ғамхўрлик кўрсатилиб, ўз

хассислар иштирокида қабуллар ташкил қилиш, мурожаатларнинг юзага келиш сабабларини аниқлаш, уларни жойига чиққан ҳолда ўрганиш, таҳлил қилиш ва ечимини топиш ҳамда ходимларда мурожаат маданиятини юксалтириш мақсадида жойларда мурожаатлар юзасидан қабуллар ташкил қилинаётганлиги айни муддао бўлмоқда.

Ходимларнинг ҳуқуқий онг ва маданиятини янада юксалтириш, давлат сиёсатининг устувор йўналишларини, мамлакатимизда кечаётган кенг қамровли ислохотлар мазмун-моҳиятини қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва давлат дастурининг аҳамиятини ходимларга батафсил тушунтириш мақсадида 2024 йилнинг 1-чораги давомида жойларда “Ўзбекистон Республикаси Конституцияси”, “Ўзбекистон Республикаси Янги таҳрирдаги меҳнат кодекси” ҳамда халқаро меҳнат ташкилотининг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилинган қатор конвенциялари бўйича давра суҳбатлари ташкил этилди.

Булардан қутилган асосий мақсад эса биринчидан, ходимларнинг ҳуқуқий билим ва маданиятини ошириш, иккинчидан уларнинг ижтимоий ҳимояси ва манфаатла-



филиалида ўқув семинари ташкил қилинди. Ушбу семинар, аввало, жойларда жамоа шартномасининг бажарилишига оид масалаларни ҳал этишда, комиссия раисларига ишлаш принципи, ҳисобот формаси ва бошқа йўналишларни тушунтириб бера олганлиги билан фойдали бўлди.

2024 йил “Ёшлар ва бизнесни ривожлантириш йили” муносабати билан “Олмалик металлургурилиш” трестида “Янги Ўзбекистон ёшлари бирлашайлик” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди. Тадбир доирасида трестнинг ёшлар масалалари бўйича комиссия фаолияти юзасидан агрофлича маълумот берилди. Тадбирга ЎЗЛИДЕП Тошкент вилояти кенгашининг масъуллари, вилоят ёшлар иттифоқи раиси, Муқимий номидаги мусиқали драма ва комедия театри актёрлари ҳамда шоирларнинг таклиф этилганлиги унинг нуфузи-

ойидан декабрь ойига қадар ҳар бир ўқувчига белгиланган базавий ҳисоблаш миқдорида моддий ёрдам ажратиладиган бўлди.

Ёшлар маънавиятини юксалтириш мақсадида ихтисослаштирилган таъмирлаш ишлари бошқармасида маърифат соати ташкил этилди. Шунингдек, 9 февраль куни “Олмалик металлургурилиш” трести касабани уюшмаси, Ёшлар иттифоқи, автомобил транспорти фаол ёшлари ўртасида адабий, маънавий-маърифий тарғибот тадбири ташкил этилди. Бундан ташқари “Мис эритиш заводи”, “Мис эритиш фабрикаси” ёш хотин-қизлари учун 8 март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан ўзига хос байрам тадбири ўтказилди.

“Касабани уюшмаси — фахрийларга!” ижтимоий акцияси доирасида Наврўз, Рамазон ҳайити байрамлари муносабати билан ижтимоий ҳимояга муҳтож хонадонарга



навбатидида ижтимоий кўмаклар берилди. Туризм ва ёшларни соғломлаштириш юзасидан Ўзбекистон бўйлаб комбинат ёшларининг туристик саёҳатлари уюштирилди, Республикаимиздаги ва ОКМК тасарруфидаги санатория-профилаторияларига йўлланмалар тақдим этилди.

Шу ўринда таъкидлаб ўтишни истар эдикки, касабани уюшмаси кенгашида ходимларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини, фуқаролик бурчларини ҳимоя қилишга алоҳида эътибор бериб келинаётир. Бу борада мурожаатлар билан ишлаш самарали йўлга қўйилган. Мурожаатлар билан ишлаш тизимини янада такомиллаштириш, “Ҳар бир мурожаат — халқ манфаати демакдир” шiori остида корхоналарда мурожаатлар юзасидан тегишли мута-


рини доимий таъминлаб боришдан иборат. Касабани уюшмаси ташкилотларининг бош вазифаси ҳам ана шу мақсадларга қаратилган.

— Комбинатимиз ишчи-хизматчилари, кўп сонли меҳнатқаш кончиларимиз ўзларининг касбий байрамларини кўтаринки руҳда кутиб олмоқда, — дейди биз билан суҳбатда “Олмалик КМК” АЖ ходимлари касабани уюшмаси кенгаши раиси Абдурашид Ҳайдаров. — Фурсатдан фойдаланиб барча касабани уюшмаси кенгаши аъзоларини, жамоамиз ишчи-ходимларини кончилик ва металлургия саноати ходимлари куни билан чин дилдан табриклайман. Уларнинг шарафли ва матонатли меҳнатларида омад ва зафарлар, оилавий бахт ва мустаҳкам соғлиқ тилайман.

Ашурали БОЙМУРОД



ЎҒИЛОЙНИНГ ШИЖОАТИ



Аёл — оила бекаси, хонадон фариштаси бўлибгина қолмай, ўзининг ақл-заковати, оқиллиги билан гўзаллик деб аталмиш буюк мўъжизанинг ижодкори ва соҳибасидир. Бекободлик Ўғилой Мирзамуродовага ҳам бу жиҳатдан Худо берган десак, сира муболага эмас.

Бундан ўн йилларча муқаддам: «Мен ҳам тадбиркор бўлиб, хусусий корхона очмоқчиман», деганида, кўпчилик Ўғилойнинг сўзларига хайрон бўлишди. «Ҳеч вақоси бўлмаса, қанақасига корхона очар экан?» дегувчилар ҳам топилди. Аммо ёш, ғайрати жўш урган қиз сўзида қатъий турди. Онасидан ёдгорлик бўлиб қолган битта тикув машинаси ва 2 нафар чевар кизни ёнига олиб, «Зулфиябону чевар» хусусий корхонасини очди. Кечяю-кундуз тиним билмай ишлади. Бу орада банкдан имтиёзли кредит олишга ҳам улгурди. Шу тарика, ёш тадбиркор ўз фаолиятини изга солиб, аста-секин корхонасини кенгайтириб борди.

нинг муҳим омили экан.

Дарҳақиқат, Ўғилойнинг ташаббус ва изланишлари, янгича инновацион таклифлари вилоят ва республика миқёсида маъқулланмоқда, қўллаб-қувватланмоқда Инсонга ҳамиша ишонч ва эътибор катта куч ва қанот бағишлар экан. Буни биз қахрамонимиз тимсолида янада тирадор ҳис этаяпмиз.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги «Мақтабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони нафақат соҳа ходимларини, балки тадбиркору ишбилармонларни ҳам янги мақсад ва режалар сари руҳлантирди. Зотан, бугунги кун талаби шуни тақозо этмоқда. Нодавлат мактабгача таълим муассасаларини ташкил этишга рағбат кучайди.

Бундан руҳланган Ўғилой Мирзамуродова ўтган йили банкдан 200 миллион сўм имтиёзли кредит олиб, илгари ўзи ишлаб, тажриба орттирган Жомий номидаги маҳалладаги 9-болалар боғчаси ўрнида нодавлат мактабгача таълим муассасасини ташкил этди.

Кези келганда таъкидлаш лозимки, Ўғилой ўзига хос саховатпеша тадбиркорлардан. Бекобод шаҳар ҳокимлиги томонидан 7 нафар ногиронга уй-жой совға қилинганда Ўғилой ҳам қўл қовуштириб турмади. Янги уйларнинг ҳаммасига парда тикиб берди. Шунинг баробарида 2 нафар етим кизга тикув машинаси совға қилди.

Дарвоқе, мамлакатимиз раҳбарининг Бекобод шаҳрига ташрифи Ўғилой сингари тадбиркорларнинг ҳам кучига куч, ғайратига ғайрат қўшди. Айниқса, «Мустақиллигимизнинг 27 йиллиги» деб номланган янги массивдаги учрашув ҳаяжонли бўлди. Мулоқотда Ўғилой ҳам бор эди. Бу самимий учрашув унинг ёдида бир умр сақланиб қолиши аниқ.

— Режаларим юксак, — дейди Ўғилой мамнунлик билан. — Шаҳримизнинг 12-дахасида замонавий боғча-мактаб қуриш ниятим бор. Бундан ташқари, тикув цехимни кенгайтириб, яна 20 та янги иш ўрни барпо этмоқчиман. Бугунги кун талабидан келиб чиқиб, шаҳар инфратузилмасини янада яхшилаш мақсадида икки қаватли янги бинони фойдаланишга топшираимиз. Мазкур бинонинг биринчи қавати савдо мажмуасига айлантирилса, иккинчи қавати меҳмонхона бўлади.

Ўғилой ҳам фаолияти давомида

қийинчилик ва тўсқинликларга дуч келди. Эндигина иш бошлаган хусусий корхона бир вақтнинг ўзиде 50 нафар аёлни кундузги ишга, 50 нафарини эса тунги сменага жалб этиб ишни жадаллик билан давом эттираётган Ўғилойга бекободликлар меҳр ва ҳавас билан қараганлиги кўпчиликнинг ёдида. Зотан, тадбиркор аёл ўзининг ишлаб чиқараётган маҳсулотларини Тожикистон Республикасига экспорт қилиб яхшигина даромад келтираётган эди.

Бундан икки йил муқаддам,



аниқроғи 2022 йил 20 март куни тадбиркор ўз маҳсулотларини Тожикистон Республикасига экспорт тарзида олиб чиқарган пайтида Ойбек божхона пости ходимлари томонидан тўхтатилади. Олиб чиқилаётган юклар қонуний асосга эга бўлсада, божхоначилар турли баҳонаю сабабларни рўқач қилишади. Тегишли баҳоловчи комиссия жалб этилиб, мавжуд 374 миллион сўмлик маҳсулотларни гўёки 1 миллиард сўмлик маҳсулотлар яширинча олиб чиқиб кетилмоқда дея айб қўйишади. Натижада тадбиркорнинг маҳсулотлари мусодара қилиниб катта миқдордаги жаримага тортилади. Ўғилой Мирзамуродова адолатни қарор топтираман, деб икки йил сарсон бўлди. Бу орада яхшигина ишлаб турган бекободлик чевар кизлар бошқа ишга ўтиб кетишга мажбур бўлишди. Тикувчилик корхонаси бир муддат фаолиятини тўхтатди.

Аммо Ўғилой бир жойда ўтириб қўл қовуштириб турмади. Ўзидаги бор куч ва иродани, шижоатни янада жонлантирди. Йигирма беш йиллик педагогик тажрибага эга бўлган Ўғилой тикувчилик корхонаси ўрнида, яъни шаҳардаги 12-даха ҳудудда «Карандаш» номли нодавлат мак-

табгача таълим муассасасини очди. Муассасага тажрибали, олий маълумотли педагогларни жалб этиб фаол иш бошлаб юборди. Ҳозирда мазкур мактабгача таълим ташкилотиде 7 нафар олий тоифали мураббийлар болажонларга рус тили, инглиз тили, ментал арифметика йўналишлари бўйича сабоқ бераётганлиги кўпчиликда катта қизиқиш уйғотмоқда. 50 ўринли болалар боғчасига кизиқувчилар сони тобора ортиб бораётганлиги қувонарли ҳол.

Дарвоқе, шаҳарнинг энг чекка ҳудуди ҳисобланган Жомий маҳалласида бундан анча йил аввал давлат хусусий шерикчилик асосида болалар боғчаси иш бошлаган эди. Мамлакатимиз раҳбарининг 2018-йилда Бекобод шаҳрига ташрифи чоғида Ўғилой Мирзамуродова Президентимиз билан учрашиш шарафига муяссар бўлди. Унинг иш фаолияти, ташаббускорлиги мамлакатимиз рабарининг эътиборини тортди. 2022-йилда Ўғилой Мирзамуродова Президент фармониға мувофиқ II даражали «Соғлом авлод» ордени

«Қимирлаган қир ошар», деган нақл бежиз айтилмаган. Доимий ҳаракатни, изланувчанликни ўзига одат қилиб олган Ўғилой хусусий корхонасининг мавқеини, ишлаб чиқариш ҳажмини узлуксиз ошириб борди. «Иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлур», деган нақлни доимо ёдида тутди. Шу аснода 2014 йили Бекобод шаҳридаги 12-даха ҳудудиде тикувчилик корхонасининг замонавий икки қаватли биноси фойдаланишга топширилди. Корхона бугунги кун талаблари даражасида жиҳозланди. Хитойдан олиб келинган замонавий дастгоҳлар, тикув машиналари ўрнатилди. 50 нафардан зиёд хотин-қизлар иш билан таъминланди.

Ҳаётда аёл киши ҳамиша гўзалликка, мафтункорликка интилиб яшайди. Ўзи яратган нарсаларни кўз-кўз қилишдан чарчамайди, Аслида инсоннинг зийнати меҳнат билан. Меҳнат қилган сайин инсоннинг ўзи ҳам, бутун борлиги ҳам гўзаллашиб бораверади. Ўғилой ва унинг шогирдлари тикаётган кийим-кечаклар, хусусан, болаларга аталган либослар ўзининг бежиримлиги, замонавий андозаси билан харидорлар эътиборини тортаётгани бор гап. Нафиса Аҳмедова, Нигора Ҳайитова, Муҳтарам Юсупова, Сарвиноз Қобилова сингари қўли гул чеварлар меҳнатини кўриб, бир завқингга минг завқ қўшилади.

Бугунги куннинг талаби — экспортбоп маҳсулотлар билан жаҳон бозорига чиқишдир. Ана шундай масъулиятни ўз зиммасига олиб, сифатга ва ташқи бозорга астойдил интилаётган корхона жамоаси 2017 йилда 90 минг АҚШ долларлик маҳсулотни Тожикистон ва Афғонистонга сотди. Бундай олиб қараганда, кичик бир корхонанинг дастлабки натижалари чакки эмас. Нима дедингиз?

— Енг шимариб ишлайдиган давр келди, — дейди Ўғилой. — Эндликда маҳсулотнинг харидорбоплигини таъминлаш учун кўпроқ сонга эмас, сифатга эътибор беришимиз керак экан. Имкон қадар харидорлар дидига ва бугунги кун талабига мос маҳсулот тайёрлашга ҳаракат қилаймиз. Шу ўринда таъкидламоқчиманки, маҳсулотни тўғри қадоқлаш, ишлаб чиқариш жараёнига янги-янги тикув дастгоҳларини олиб келиб ўрнатиш ҳам сифатни таъминлаш-

билан муқофотланди. Бу рағбат тадбиркорга берилган муносиб баҳо эди.

Ўғилой 2023 йил апрель ойида ажойиб бир ташаббусга қўл урган эди. Мамлакатимиз раҳбарининг Оролбўйи аҳолисиға ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳақидаги даъватларига жавобан ҳозирда фойдаланилмаётган тикув дастгоҳларини Оролбўйи кизларига туҳфа этди. Яъни Тикўзек кишлоғини оталиққа олиб, ўша жойнинг ўзида «Текстил-инвест-Орол» номли тикувчилик корхонасини барпо этди. Натижада 15 нафар тикўзеклик жувонлар иш билан таъминланди. Ўғилой ўзидаги бор тажрибани, билим ва маҳоратини Оролбўйи кизларига ҳам сингдириб келяпти.

Мамлакатимиз лидер тадбиркор аёллари клубининг фаол азоси, бекободнинг фахру ифтихорига айланиб улгурган Ўғилой Мирзамуродова ҳамон изланишда, жўшқин меҳнат оғушида. Тадбиркор юрт учун қайғуради, юртини бой ва обод этади, деган ҳаётий ҳақиқат унинг азму шижоатида яққол кўзга ташланиб турибди.

Б. АЛИЕВ



ОТАДЕК АЗИЗ, ОНАДЕК МЕҲРИБОН

ёки зиё боғининг боғбонлари

Файласуфлар инсоннинг умрини унинг қанча яшаганлиги билан эмас, балки қандай яшаб ўтганлигига қараб баҳо берадилар. Ўзидан кейин муносиб шогирдлар, ибратли мактаб, маънавий ва маърифий мерос қолдирган, элпарвар инсонлар ўзларининг номларини мангуликка муҳрайдилар. Бундайлар қаторида, шак-шубҳасиз, ҳазрати устоз-мураббийлар ҳам бор.

Биз таълим ва тарбия олган мактабимиз 100 ёшга тўлди. Бу сана кўҳна тарих олдида норасида нафасидек қисқа фурсат. Аммо моҳиятан ана шу қисқа давр биз билим ва тарбия олган кадрдон мактабимизнинг ўзига хос шонли тарихи, ўтмиши ҳамда келажак унинг собиқ ва содиқ ўқувчилари учун аҳамияти беқиёсдир.

Замона зайли билан бизга илм ва маърифат улашган Ўзбекистон туманидаги 3-ўрта таълим мактаб 70 йилнинг нари берисида “йўқсиллар дохийси” номи билан аталди. Не бахтким, истиқлолимиз шарофати ила унга халқпарвар шоир бобомиз Хазиний номлари берилди.

Биз мактабда ўқиган маҳаллар ўқитувчиларнинг исм-шарифи эсланганда, уларнинг фақат фамилияларини айтиш урф эди. Хусусан, Муҳаммедов, Муҳитдинов, Мавлонов, Содиқов, Хўжаев, Шодиев, Ўлмасов домлалар, Хусанова опа ва бошқа устозларимизни ҳам асло исмлари билан атамас эдик. Муболаға эмас, кўпчилигимиз алгебра фанидан дарс берган Ёқубова опамизнинг исмларини мактабни тамомлаб кетганимиздан кейин Инобатхон эканлигини билганмиз.

Биз тенги 60-70 ёшдаги собиқ ўқувчиларни ҳали-ҳануз энтиктирайдиган айрим бир жиҳатлар борки, бу устозларимизнинг ўз соҳасида етуқлиги, меҳнатсеварлиги, энг муҳими, ҳар биримизни ўз фарзандидек суйганларидир.

Доно халқимизда “Устоз кўрибсан – пирга йўлиқибсан”, деган пурмаъно нақл бор. Не бахтки мактабимиз туфайли устоз кўрдик. Бизга устозлик қилганлар ҳаётнинг аччиқ-чучугини тотиб кўрган, айримлари Иккинчи жаҳон урушида қатнашиб, қахрамон-

лик кўрсатган ёки уруш даври меҳнат фронтида тобланган инсонлар бўлган. Энг муҳими, уларда миллийлик ва миллатимизнинг муқаддас анъаналарига бўлган эҳтироми чексиз эди. Шу боис, мактабимиздаги таълим ва тарбия ҳам шу оқимда сузарди.

Мавриди келганда айтиб ўтиш жоиз: ўзбек миллий мактабида таълим-тарбия халқимизнинг илм, маданият ҳамда одоб-ахлоқ бобидаги этник потенциалига нақадар кўпроқ таянса, умумравнақимизга шунчалик салмоқли ҳисса кўшади. Тан олиш керак, ҳозирда мактабларда олиб борилаётган ахлоқ-одоб дарслари кўп ҳолларда ҳаёт билан боғланмай, куруқ, юзаки, умумий гаплар йиғиндисидан иборат бўлиб қолаётир. Шу боисдан бўлса керак, бундай дарслар кутилган самарани бермаяпти.

Тўғриси айтганда, ҳозирги авлод ўқитувчиларининг ўз касбидан ташқари бошқа бирор-бир ҳунари бор-йўқлигидан хабардор эмасман. Аммо биз ўқиган маҳаллар аксарият устозларимизнинг кўшимча ҳунари ёки касблари бўлар эди. Жумладан, Жўрабой ва Йўлдошали домлаларимиз ёзги таътил пайтлари устачилик билан шуғулланиб, одамларга уй-жой қуриб, айвонлар тиклаб беришар, энг муҳими, улар ўз ортидан ўнлаб шогирдларни эргаштириб юришарди. Бугун кунда Қудаш қишлоғида “Қатта уста” мақомидаги усталарнинг тўқсон фоизи номлари тилга олинган азиз инсонларнинг шогирдларидир. Ёки бўлмаса, раҳматли Маҳмуджон Бегимқулов телерадио устаси сифатида одамларнинг беминнат хожатини чиқарар, “хизмат ҳақим мунча бўлади” деган гапни оғзига зинҳор-базинҳор олмасди. Қишлоғимиз қизларининг игна, ип тутишидаги

чаптадлиги эса опаларимиздан ўтган десам, ҳақ гапни айтган бўламан.

Аксарият домлаларимиз бошларига дўппи кийишар ва бу миллий кийимда улар кўзимизга янада басавлат кўринардилар. Биз ўқувчилар кишли-кировли кунларда мактабга бош кийимсиз келсак, домлаларимиз четроққа тортиб: «Бундай аёзда бошланг юрмагин, бирор касалликни орттириб оласан», дея мулойимлик билан тунтирар эди. Шунингдек, ёзги таътил кунларида жазирама иссиқда бош кийимсиз кўча-қуйда юрган ўқувчисини кўрган ўқитувчиларимиз унга: «Биринчидан, жуда зарурат бўлмаса бундай баланд ҳароратда кўчага чикмагин, чиксанг ҳам бош кийим кийиб чиккин. Иккинчидан, офтоб бошингдан уриб, миянгни суюлтириб юборади ва хотирангни сусайтиради», дея устозларча меҳр билан насиҳат қилишарди. Биласиз, бола ўспиринлик ёшида хою-хавасга берилувчан бўлади.

Мактабимизнинг 100 йиллиги муносабати билан ҳозирда билим даргоҳига раҳбарлик қилаётган Фарҳоджон Қосимов ташаббуси билан ижтимоий тармоқда “Юз ёшинг муборак, мактабим!” канали ташкил этилди. Қисқа вақт оралиғида каналдан фойдаланувчилар сони кескин ошгани кишини бир қувонтирса, улар томонидан каналга тақдим этилаётган ноёб фото-суратлар, самимий дил изхорлари кўпчилигимизни икки ҳисса хурсанд қилмоқда. Айниқса, собиқ ўқувчиларнинг марҳум ўқитувчиларини эслаб: “Биз сизлардан жуда-жуда миннатдоримиз. Охиратингиз обод бўлсин, азиз устозлар!” деган самимий дил сўзлари, нафақадаги муаллимларига раҳмат-у миннатдорчилик билдиришаётгани, шунингдек, ҳозирда ёш авлодларга таълим-тарбия бераётган ўқитувчиларга эзгу тилаклар ишташаётгани кўнгишларга шодлик ва қувончлар улашмоқда.

Саидолим ХАЙДАРОВ,
журналист.

ЖАМИЯТ

Муассислар:

Ўзбекистон
Республикаси
Экология, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси.

Ўзбекистон
Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси.

Ўзбекистон
Савдо-саноат палатаси.

Бош муҳаррир
Мақсуд ЖОНИХОНОВ

Газета таҳририятнинг компьютер бўлимида саҳифаланди.
“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида чоп этилди.

Манзил:
Буюк Турон кўчаси 41.
Буюртма рақами Г-510
Адади: 1015.

Пайшанба куни чиқади.
Қоғоз бичими А-3,
ҳажми 2 босма табок.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида
2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул.

Тошкент шаҳри,
Юнусобод тумани,
Боғишамол кўчаси, 7-уй
Маълумот учун телефонлар:
98-111-48-29
99-994-70-52

Реклама ва эълонлар учун:
Электрон почта:
jamiyat@umail.uz
Газета индекси – 131
“ЖАМИЯТ”дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.
Топширилган вақти: 20:00
1 2 3 4 5 6

Эълон

Хоразм вилояти «Муҳаммад Охун бобо» номидаги жамоат бирлашмасига 2024 йил 9 май — Хотира ва кадрлаш куни муносабати билан фуқаролардан хайрия кутисига 7357000 (етти миллион уч юз эллик етти минг) сўм маблағ тушганини маълум қиламиз.



Сахродаги мўъжиза

Келажак шаҳрининг қисқа тарихи

Дубай 1940-йилларгача кичик бир аҳоли пункти бўлган. Аҳолиси марварид сотиш ва уни озик-овқатга алмаштириш орқали кун кўришарди. Кейинчалик, японлар марваридларни сунъий йўл билан етиштиришди ва ҳақиқий марваридларга бўлган эҳтиёж камайди. Натижада БААда инқироз бошланди. Бироқ, кейинчалик (1966-йилда) ушбу ҳудудда нефт топилгач, ҳаммаси ўзгарди. Бугунги кунга келиб, сахродан шаҳарга айланиб бораётган Дубай - Келажак шаҳри деб ҳам аталади. Асл маъноси эса «личинкадан чиққан чигиртка» деган маънони англатади.

Шаҳарда кўп қаватли биноларнинг қурилиши 1979 йилда бошланган бўлиб, ўша йили бу ерда 39 қаватли «Дубай Жаҳон савдо маркази» бунёд этилган. Ушбу қурилишга қадар қилинган ишлар, лойиҳаларни гапирсак, бир китоб бўлади. Қурилиши тугаллангач, бу бино Яқин Шарқдаги энг баланд бинога айланди. Борган кунимизнинг иккинчи кунидак, биз ҳам ушбу 838 метрлик Бурж Халифа ва унинг атрофида қурилган дунёдаги энг баланд мусикали фавворани томоша қилгани йўлга чиқдик.

Роботлаштирилган метрополитен

Йўлимиз бир оз узоқ, йўналишсиз такси хизмати эса жуда қимматлиги сабабли Бурж Халифага метро орқали боришни танладик. Таксида йўлдаги манзарани ойнадан томоша қилиб кетиш учун кўшимча ҳақ тўлайсиз деб тасаввур қиладиган бўлсак, аммо, биз чиққан метрода шаҳар яна ҳам чиройли кўриниб турарди. Яъни метро ер устида ҳаракатланади. Метрополитенининг ҳайратланарли жиҳати — бу ерда метро ҳаракати автоматлаштирилган. Уни ҳеч ким ҳайдамайди ва метро вагонлари метр, сантиметригача аниқликда, бир хил нуқталарда тўхтади. Метрополитен 2009-йил 9-сентябрь куни ишга туширилган. Умумий тармоқ узунлиги 90 км га тенг. Метро ҳар 4-5 дақиқада бекат-

га келади. Метрода яна бир ҳавас қилса арзигулик томони эса вагонлар жинсларга ажратилгани бўлди. Энг охиридаги энг бошидаги биринчи вагон аёллар учун хизмат қилади. Жуда кўп нарсаларга жарималар белгилаб қўйилгани каби ушбу тизимни йўлга қўйиш учун ҳам жарималарни ишлатишган. Эркаклар аёллар вагонига чиқиболса, жарима тўлайди.

Муҳожирлар макони

Иккинчи кунимиздаги саёҳатда, бир нарсага гувоҳ бўлдимки, шаҳар аҳолисининг кўп қисми турли давлатлардан келган ишчилардан иборат экан. Уларни асосан Покистон, Ҳиндистон ва афғонистонликлар ташкил қилади. Умуман олганда



статистик маълумотлар 83 фоиз аҳоли муҳожирлардан ташкил топганлигини кўрсатади. Одамлар инглиз тилида бемалол мулоқот қилишади. Шу сабабдан ҳам, Дубайда араб тилини билмасдан туриб ҳам саёҳат қилишингиз мумкин. Ҳақиқий БААда туғилган маҳаллий аҳолини кўп қисми эса, асосан, Дубай шаҳридан унча узоқ бўлмаган Шаржада яшаши ҳақида кўп йиллардан бери шаҳарда ишлаб келаётганлар айтишди.

Ошпаз билан суҳбат

Кўчада энгил таомлар емоқчи бўлсангиз, асосан ҳинд таомла-

Анчадан бери иш жойимдан хизмат сафарларига чиқмай кўйдим. Ўзим эса саёҳат қилишни режа қилиб юрган эдим. Раҳбарият ҳам ичимдагини билгандек, четга хизмат сафарига юборишга қарор қилди. Манзил эса саёҳат нуқтасига айлантириб улгурган БААнинг Дубай шаҳри. Дунёдаги энг гўзал шаҳарларни санаб беришни сўрашганда бу маконни санамай ўтадиган одам топилмаса керак.

рини учратасиз. Менга ўхшаб аччиқ нарсаларни ёқтирмайдиганлар учун ҳинд энгил таомларини таътиб кўришни маслаҳат бермаган бўлар эдим. Метродан мехмонхонагача пиёда юриб кетаётганимда, ҳинд «самоса» номли энгил таомига кўзим тушди. Кўриниши ўзимизнинг сомсага ўхшаш, мазаси эса юқорида айтганимдек бир оз аччиқ экан.

«Самоса»ни пиширган ошпаз билан бир оз гаплашгим келди ва гап бошлаш учун унинг қаердан эканлигини сўрадим. У Ҳиндистондан эканлигини айтди ва яна савол беришда давом эттим. Қанчадан буён Дубайда яшашини, ушбу шаҳарда ишлаш ва яшаш учун қанчалик қулайлигини сўрадим. У Дубайда уч йилдан буён ишлашини, Дубайда яшаш бир оз қимматлигини аммо иш ҳақи буни бемалол қоплашини

налинга бой машғулотлари билан танилган. Автомашиналарда сахро бўйлаб экстремал саёҳат, туя миниш, сахро кўчманчи халқларининг таомларидан тановул қилиш ва кечки шоуни кўриш кишига янги таассуротлар ҳада этади.

Дубайдаги ишларни битириб олиб, саёҳат қилишим керак бўлган кизиқарли жойларни рўйхат қилиб олган эдим. Дубай сахроси бўйлаб сафар аслида рўйхатнинг бошида эди. Дубайдаги ишларим бир оз чўзилгани сабаб, сахрога боришим сал кечикди. Дубайда давом этаётган бешинчи кунимда, сахро бўйлаб саёҳат қилишга қарор қилдим. Аввалдан буюртма қилиб қўйиш керак ва машинада турган жойингиздан чексиз сахро томон олиб кетишди. Адреналинни севувчилар учун тепалик - пастликдан иборат қумли сахро кутиб турганди. Сахро ўртасида суратга тушиш учун қуёш ботишига яқин тўхтадик. Сотиб олинган турда ваъда қилинган шоулар, туя минишлар ва кечки тановулдан сўнг мехмонхонага қайтдик. Дубайга аслида иш бўйича келганимиз сабаб, барча манзарали жойларни сайр қилиш учун вақт бўлмади. Аммо юқорида айтганимдек, «сихни ҳам кабобни ҳам куйдирмасдан», ишни ҳам саёҳатни ҳам яқунлаб қайтиш вақти келди.

Гўзал манзарадан — чексиз ҳиссиёт

Дубайда саёҳат қилиш мумкин бўлган, диққатга сазовор жойлар талайгина ва бундай нуқталарнинг сони тобора ортмоқда. Балки юқоридаги ташриф буюрганларим оз бўлиши мумкин аммо ичимдаги чексиз ҳиссиётни етказиш учун сайёҳлик тажрибам камлик қилгандек. Аммо ёзда яна келишни режа қилиб қўйдим. Кейинги саёҳатимда етиб бормаган манзилларимга етиб бориб, янаям кўпроқ ҳиссиёт билан қайтмоқчиман.

Ҳам ўз тарихига, ҳам келажакига эга сахро устида қурилган шаҳарни саёҳат қилгани сиз ҳам келишингизни маслаҳат берардим.

Отабек АБДУХОЛИҚОВ,
ЎзЖОКУ талабаси
Тошкент-Дубай-Тошкент

Биёбонда бир кун

Дубай чўллари ўзига хос ва адре-

